

Рұхий поклик ҳақидағи таълимот ёхуд тасаввуф фалсафасыда комил инсон масаласи

Сохибназар Каримов
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Аннотация: Мазкур мақола тасаввуф фалсафасыда комил инсонни тарбиялаш масаласининг тасаввуфий асослари ва унинг ижтимоий маҳиятини очиб беришга бағищланган.

Калит сўзлар: тасаввуф ва комил инсон, нафс, илоҳий сифатлар, тақводор инсон, факир мақоми, ботинийлик ва зоҳирийлик, поклик, рұхий камолот, инсон гапиравчи ҳайвон, қалбсизлик, ақл, замон ва макон

The doctrine of spiritual purity or the question of the perfect man in the philosophy of Sufism

Sohibnazar Karimov
Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract: This article is devoted to the mystical foundations of the problem of educating a perfect man in the philosophy of mysticism and its social nature.

Keywords: mystic and perfect man, lust, divine qualities, pious man, poor status, inner and outer, purity, spiritual maturity, human-speaking animal, heartlessness, intellect, time and space

Комил инсон мавзуси ва масаласи тасаввуф таълимотининг марказий масаласи ҳисобланади. Чунки тасаввуф ўзининг мазмун моҳияти ва мақсади билан маънавий -рухий пок ва етук баркамол инсонни тарбиялашдан иборат бўлган. Айнан комил инсон шакли шамойили биринчи бўлиб тасаввуф намаёндаларининг асарларида ўз аксини топган. Тасаввуф таълимотида комил инсоннинг ажралмас атрибути тавҳид ҳисобланган ва комиллик даражаси ҳар доим тавҳид билан ёнма-ён қўйилган. Зоро Абдуҳомид Ғаззолий ўзининг “Кимёи саодат”асарида ёзганидек; “Одамийни тамоми саодати Ҳақ-таолонинг маърифатини қилмоқ ва анга ибодат ва бандалик қилмоқдур”¹-деб таъкидлаганлар.

¹Абдуҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. -Т.: 1995.-Б. 55.

Биз комил инсон, унинг моҳияти ва ижтимоий сифатлари ҳақида ўзининг қизиқарли ва мукаммал фикрларни берган буюк шайхлар ва алломаларнинг жумладан, Ориф Ревгарийнинг “Орифнома”, Жалолиддин Румийнинг “Ичингдаги ичиндадур”, Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод”, Азизиддин Насафийнинг “Комил инсон”, “Зубдат ул-ҳақойиқ”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”, Шайхс Муҳаммад Боқирнинг “Мақомати Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд”, Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи Кудсия”, асарларини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Комил инсон тушунчаси ҳақида биринчи бўлиб испаниялик араб олими Муҳийиддин Ибн ал-Арабий (1165-1240) тилга олган ва муомалага киритган. Арабий назарида комил инсон мукаммал уч сифатга: яъни ақли аввал, нафси аввал ва ақли кулл сифатларига эга бўлиши шарт ва мазкур тушунчалар комил инсон тушунчаси билан маънодошдир. Бу ҳақда Сайид Содик Гуҳарин “Шарҳи истилоҳоти тасаввуф” асарида таъкидлаганларидек; Чунки Аллоҳ илк маротаба ўзининг нуридан ақли аввални яратган ва унинг суратини комил инсон қийфасида зухур этган. Шу маънода “Холақуллоҳу Адама ала суратир-Раҳмон”(Аллоҳ одамни Раҳмон суратида яратди)деган ҳадис мавжуд. Комил инсон, шу тариқат, Аллоҳнинг Раҳмону Раҳим сифатларига эга бўлди. (Бу ҳақда қаранг: Сайид Содик Гуҳарин. Шарҳи истилоҳоти тасаввуф, 1-жилд, 1215-бет).Ибн Арабий талқинича, комил инсоннинг ердаги типик вакили бу Муҳаммад (с.а.в.)дир. Чунки ул зотда ақлий, руҳий камолот ўзининг юқори даражасида намаён бўлди, Шу билан бирга ҳазрат пайғамбар ўз жисмида дунёвий ва илоҳий билимлар мукаммал даражада тўплай олганлар. Шу билан бирга Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) халқ билан Аллоҳ орасида турувчи ва уларни бир-бирлари билан боғловчи восита эдилар. Шунинг учун ҳам Ибн Арабий назарида авлиё, донишманд ёки анбиё қандай даражада юксалган бўлишига қарамасдан улар комил бўла олмайдилар. Комил инсон тушунчаси агар уларга нисбатан ишлатилган тақдирда бу ҳолатни уларга нисбатан хурмат яъни нисбий маънода тушуниш зарур. Дарҳақиқат, барча одамлар хулқ атвор керак бўлса, ташқи кўриниши жиҳатидан бир-бирларига ўхшаш бўладилар. Лекин улар ўртасидаги фарқ уларнинг қувва, яъни хислат -хусусиятларида намаён бўлади. Лекин мутассавифларни фикрича, шундай одамлар борки улар нафақат халқдан балки бир-бирларидан ҳам ажralиб фарқланиб турадилар. Буларнинг ҳам даражалари бор: баъзилари комил, баъзилари ақмал, яна бирлари фозил, яна бир қисми афзалдирлар. Бу ҳақда Абдулкарим Гелоний шундай дейдилар: “Комил инсон, воқеан, Муҳаммад салоллоҳу алайҳи васалламдир ва қолган анбиёю авлиёнинг камолоти унга нисбатандир, худди фозилнинг афзалга нисбатидай”.

Шайх Омолий фикрига қараганда, олам комил инсон ҳақиқати туфайли барқарордир, зеро фалаклар унинг нафаси билан айланурлар, мулку малакут ундан таълим олурлар. Шундай мартабада комил инсонни Ҳақнинг кўзгуси дейдилар. Ҳақ таоло ўз исми ва сифатларини фақат комил инсонда кўради. Шуни ҳам таъкидлайдиларки, Комил инсонгина Ҳақ қудратининг буюклиги, чексизлигига гувоҳ бўла олади.²

Ибн ал-Арабий, Шайх Омулий ва Абдулкарим Гелонийларнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари бир -бирига яқин бўлиб инсоннинг комиллик даражаларини белгилашда яхлитлик сезилиб турди. Улар назарида комил инсон оламларни эгаллаган, оламларга ва барча жонзоду инсонларга таъсир эта оладиган, инсониятни бошқара оладиган Буюк Рухдир, Маънавий-Ақлий қудратдир. Шу маънода у Аллоҳнинг халифасидир.

Шунинг учун ҳам тасаввуф таълимотида инсоннинг руҳий камолотини таҳлил қилиш биринчи даражали масала ҳисобланади. Тасаввуф тариқатларининг ҳар бир буюк намаёндаси инсон руҳини ва унинг руҳий дунёсини “латоифи сита”деб аташган ва унинг таркибини руҳ, сир, сиррус сир, хафий, ахфодан иборат эканлигини ўз асаларида ёзиб қолдирганлар. Турк шарқшуноси Усмон Турарнинг фикрича, дастлабки илк мутасавифлар инсон руҳини тизимини таб, нафс, қалб, сир ва руҳга ажратганлигини таъкидлайди.³

Юқорида таъкидлаганимиздек, комил инсон тушунчаси тасаввуфий истилоҳ ва илм сифатида Ибн ал- Арабий томонидан яратилган ва тасаввуфий истеъмолга киритилган. Кейинчалик бу тушунчани унинг издошлари ва ҳайриҳоҳлари Марказий Осиё ва Хурросонда Аҳмад Яссавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар жуда тушунарли кенг маънода ҳам диний ҳам дунёвийлик нуқтаи- назаридан талқин қилганлар.

Дарҳақиқат, комил инсонга биринчи бўлиб концептуал таъриф берган киши Азизиддин Насафийдир.

Шайх Азизиддин Насафий ўзининг “Комил инсон”, “Мақсадим ақсо”, “Зубдат ул-ҳақойиқ” номли асрларида комил инсон тушучасига юқоридаги муаллифлардан бошқачароқ яъни у комил инсоннинг шаклланиши жарёнини инсоннинг пайдо бўлиши, тараққиёти ва мартабалар топиши билан боғлаб тушунтиради. Шу билан бирга унинг вужудида диний ва дунёвий илмларнинг руҳ тушунчаси билан зич холатда олиб қарайди. Чунки инсон мартабалари унинг назаридан руҳ камолоти билан ҳамоҳангдир. Насафий ҳам Ибн Арабийнинг “олами Суғро” ва “олами кабир ғояларига қўшилади ва инсонни “олами суғро”(кичик олам), илоҳий олам ва моддий олам биргаликда “олами

²Ал-Бурсавий, Мұхаммад Зоҳид Кўтқу ибн Иброҳим. Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди.2-китоб.”Шархи “Омолий”.Алиййул Қорий шархи асосида./ Мутаржим Мирзо Кенжабек.-Т.:Млвароуунарх. 1999. 45-бет. Бу ҳақда яна қаранг: Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. 132-бет.

³Қаранг: Усмон Турар. Тасаввуф тарихи./ Турк тилидан Нодирхон Ҳасан таржимаси. Т.: Истиклол. 1999. -Б.138.

кубро” (катта олам) деб атайди ва катта оламдаги барча нарса кичик оламда мавжуддир. Демак, инсон катта олам яъни олам кубронинг кичрайтирилган нусхасидир деган фикрни берган. Шу ўринда Азизиддин Насафийнинг комил инсонга берган таърифини келтириш ўринли ҳисобланади. Комил инсон ҳақида Насафий шундай ёзади: “Билгилки, Комил инсон деб шариат ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайн: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қўйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф”.⁴

Дарҳақиқат, эътибор бериб қарайдиган бўлсак, Насафий комил инсондаги олдинги уч сифат яъни яхши сўз, яхши феъл, яхши хулқ сифатларини “Авесто”да мавжудлиги билган ва уни қабул қилган ва ёнига тасаввуфий тушунча бўлган маорифни қўшиб қўйган. Чунки маориф тасаввуфий покланиш бўлиб, бундай сифатга эга бўлган инсон ёлғон, риё, бадкирдорликдан янада йироқ бўлади. Насафий назарида комиллик йўлига кирган ҳар бир солик мана шу тўрт сифатни эгаллаган тақдирдагина у камолга эришади. Бизнинг назаримизда комил инсон тўғрисидаги Насафийнинг муҳим фалсафий холосаси шундан иборатки, аввало комил инсон қандайдир мавҳум илоҳий зот эмас, балки реал одамдир. Чунки яхши сифатларни ўзлаштирган одамгина комил инсон мартабасига эриша олади. Бу мартабанинг қўлга киритилиши тариқат ва риёзат йўли билан амалга ошади. Азизиддин Насафийнинг комил инсон тўғрисидаги фалсафий қарашларини ўрганиш шундан далолат берадики, айнан Азизиддин Насафий комил инсон тамойилини назарий асосчиси десак, муболаға бўлмайди. Буни биз Азизимдин Насафий ўзининг “Комил инсон” асарида баён қилган қуйидаги фикрларидан ҳам билиб олсан бўлади, “... Комил инсон оламнинг сирридир ва олам қутбидир, чунки у илм муҳити-денгизидир. Ҳар кимни ўз жойида сақлайдилар ва кўрадилар. Ва одамлар ҳаммаси комил инсон теграсида айланадилар. Фалаклар ва юлдузларнинг иккита қутби бор ва шу қутблар атрофида айланадилар, бу қутбларнинг бири шимолий, иккинчиси жанубий. Одамларнинг ҳам иккита қутби бор бўлиб, шу қутблар атрофида айланадилар. Буларнинг бири - доно инсон, иккинчиси - тавоно (кучли) инсондир. Агар бир киши ҳам доно ва ҳам кучли бўлса, иш унга осон бўлади. деб, ёзган бўлса унинг давомида қуйидаги фикрни баён қиласди:” ... Комил инсоннинг камоли ва улуғлигини эшитдинг, энди шуни ҳам билгинки, комил инсон шунча камолот ва улуғлиги билан қудратсиздир. Ва у номурод-бахтсиздир, у муросасозлик билан умр ўтказади. У илм, ахлоқ жихатидан

⁴Қаранг: Нажмиддин Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. -Т.: 1996. 133-бет.

комилдир, аммо қудрат ва мурод жиҳатидан ноқисдир”⁵(яъни Комил инсон ҳам Аллоҳ қудрати олдида ожиздир).

Шуни ҳам унутмаслик керакки, комил инсон масаласида шариат аҳли билан тариқат аҳли ўртасида маълум фарқлар сезилиб туради. Чунончи, шариат аҳли комил инсоннинг қобилияти ва майллари тақдири азалдан Аллоҳ таоло белгилаб қўйган, пайғамбар, донишманд ва авлиёлар руҳи бошданоқ юқори оламда маълум эди, бу руҳларнинг мартабалари азалдан белгилаб қўйилган эди деб, тушунтирадилар. Тасаввуф аҳли эса инсонга фаолият учун инон-ихтиёр берилган, у ҳаракат қилиб, комиллик қасб этиши, ўз ниятларига этиши мумкин.Худди шу маънода Азизиддин Насафий ўзининг “Зубдат ул-ҳақойик” номли рисоласида ёзади: “Одамларнинг сўзлари ва фаолият учун одлиндан белгиланган ўлчовлар йўқ. Билим ва бойликка эга бўлиш одамнинг саъй-ҳаракатига боғлик, одам қанча кўп ғайрат қиласа, билими ва мол мулки шунча ортади”⁶.

Насафийнинг комил инсон ҳақидаги қарашларини ўрганар эканмиз, у аввало тариқат йўлига кирган ҳар бир соликнинг камолот сари интилишининг чегараси бўлмайди. Агар қобилиятли инсон бўлса у умри неча йил бўлса шунча йил илгарилаб бориш имкониятига эга бўлади. Насафий инсонни шунчалик улуғлайдики, борлиқдаги жамики ҳаракатнинг асосида инсонни мартабасига эришишидан иборат ва шунга бўйсндирилган. Чунки бутун борлиқ инсонга тақлид қилиб яшайди ва инсон даражасига қўтарилиш учунгина яшайди.

Инсон имкониятларини чексизлигини таъкидлар экан Насафий унинг камолоти учун икки сифатни асос қилиб олади. Буларнинг бири ахлоқ, иккинчиси - ўзини таниш. Инсон ўзини таниш уцчун ахлоқ асосларини тўлиқ эгаллаган бўлиши керак ва шундагина у ўзини тианийди. Ўзини таниган инсон Аллоҳни танийди. Ана шу даражага эришган инсонгина комил инсон ҳисобланади. Насафий назарида инсон ахлоқ билан безанган бўлиши мумкин лекин у ўзини танимаган бўлиши мумкин. Бундай одамларни комил инсонлар деб бўлмайди. Қачонки инсон ахлоққа безаниб ўзини-ўзи таниган тақдирдагина комиллик даражасига қўтарила олади ва шундай тоифа инсонларни комил инсонлар деб аташимиз мумкин бўлади. Азизиддин Насафий ва барча мутасаввиф мутафаккирлар комиллик мартабасига эришган инсонлар сифатида шариат аҳлини, мусулмон аҳлини, ҳикмат аҳлини, тасаввуф аҳлини, илм аҳлини, донишмадлар аҳлини ҳисоблаганлар.Демак, комил инсон башарий ва илохий сифатларни ўзида мужассам этмоғи даркор.

⁵Азизиддин Насафий. Зубдаб ул-ҳақойик.-(Ҳақиқатлар қаймоғи). Н.Комилов таржимаси. –Т.: “Камалак” 1996. 133-бет.

⁶Ўша асар.134 бет.

Комил инсоннинг илоҳий ва башарий сифатлари ҳақида гапира туриб, Алишер Навоий ўзининг “Насойим ул-муҳабbat асари”нинг сўз бошисида унинг ўн олти хислатини санаб ўтади: “биринчиси-тавба, иккинчиси ҳалол луқма билан қаноатланиш, учинчиси - ўз касбидан топиб кун ўтказиш, тўртинчиси - шариатга риоя қилиш, бешинчиси- тариқат одобини сақлаш, олтинчиси - ўзини барчадан кам деб билиш, ҳатто фарзандлари, хизматкорларига қўполлик қилмаслик, еттинчиси - чучук тилли бўлиш, саккизинчиси - раҳмдил бўлиш, тўққизинчиси-саҳий бўлиш, ўнингчиси - мард бўлиш, ўн биринчиси - ҳалимлик, хушхулқ бўлиш, ўн иккинчиси ризо-розилик билан кун ўтказиш, ўн учинчиси - сабрли бўлиш, ўн тўртинчиси- садоқатли, вафоли бўлиш, ўн бешинчиси - риёзат чекишдан кўрқмаслик, ўн олтинчиси-хориқулодда хислатлар кўрсатиш...”⁷. Кўриниб турибдики, Алишер Навоий комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодексини ёзиб берган. Инсоният бутун асрлар давомида ана шу хислатларни ўзида мужассам этишга ҳаракат қилган. Лекин шуни ҳам унумтаслик лозимки, комил инсон масаласи кўтарилиб, кун тартибига қўйилган ўрта асрларда бу тушунча нисбий характер касб этган. Чунки ўзини тариқат йўлига бахшида этиб, эзгуликни шиор қилиб олган донишманд кишилар ҳам комил инсон санаалган ва улар эътироф этилган. Лекин тасаввуф ахлини вазифаси бу борада, ҳар ва ҳамма вақт инсонларга уларнинг ўзини мартабасини ким эканлигини эслатиб туриш, уларни қабих ишлардан қайтариш ва садоқат ва вафо йўлига бошлишдан иборатдир. Бу йўлди ўзини таниб Аллоҳни севишга даъват этади ва шу борада таълим беради.

Айнан тасаввуфнингислом динига асосланган комил инсон таълимоти орқали мусулмон оламига кенг тарқалган ислом дини ўзининг ички ва ташқи гўзаллигини намаён қилди ҳамда унинг буюк инсонпарварлик моҳиятини англаб етди. Тасаввуфнинг мақсади инсонни руҳий, маънавий жиҳатдан поклаш, яъни Комил инсонни тарбиялашдир. Қалб поклигига эришган, юксак маънавиятли, баркамол шахс комил инсон ҳисобланади.

Тасаввуфнинг фалсафий асосини ҳам ташкил қилувчи комил инсонни тарбиялаш муаммоси фақатгина нафсни тийиш ва ишқ оловини ёкиш билангина амалага ошади. Нафс инсоннинг жуда хавфли душмани ҳисобланади. Унга тобе инсон маънавий ва жисмоний тубанликка, ҳалокатга маҳкум. Шу боис Навоий: “Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужо”⁸, деб ёзса “Қисас ар-Рабғўзий”да би р нафснинг ишини етмиш шайтон қилолмайди деб, таъкидланади. Комилликка интилган инсоннинг Ҳаққа ошиқлиги уни нафс лашкари билан курашга отлантиради. Ишқ унга куч, сабот ва ирода ато этади. Чунки, ишқ нафсни енгиш қуролидир.

⁷Навоий Алишер. “Насойим ул –муҳабbat”. Асарлар. 15-томлик. 6-том.-Т., 1965. 185-бет.

⁸Ўша асар. 180-бет.

Тасаввуф таълимотида комил инсон тушунчаси соликнинг комиллик йўлидаги барча босқичларни босиб ўтиб унинг ахфо мартабасига етиши билан содир бўлади. Чунки бу босқичда Рух билан Аллоҳ ўртасида ҳеч қандай тўсиқ қолмайди солик ҳам ўзини Аллоҳга яқинлашганлигини мушоҳада этади ва бу босқич тасаввуф таълимотида “инсони комил” тушунчаси билан ифода этилади.

Комил инсон шу мартабага эришгач у бутун оламнинг марказига ёки қутбига айланади. Гўё бутун олам унинг атрофида аёланаётгандек бўлади ва у қиёматга қадар улуғ валий бўлиб қолади.⁹

У борлиқнинг бир-бирига зид икки: маънпвий ва моддий жиҳатларини бирга қўшади. Комил инсон Аллоҳ Коинотининг ботиний хукмдори, Олам яратилишининг сабабчиси ва кашшофи эканлигини бутун вужукди билан хис қиласи.

Комил инсон тасаввуф фалсафасида ҳар жиҳатдан олий покликка эришган, Аллоҳни англашга қодир бўлган барча илоҳий ва дунёвий илмларни эгаллаган, Аллоҳнинг барча хислат ва аломатларини бамисоли кўзгуда кўргандек кўриб турадиган яъни рухи Мутлақ рухга туташ қалби ва сийрати хотиржам покиза зот. Комиллик даражасига етишган инсонлар тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов таъкидлаганлариdek, “валиуллоҳ, қибла, қутб, ғавс (мададкор), автод (устунлар), абдал (бадал қилинган)- деб улуғлаганлар”¹⁰.

Шу каби мулоҳазалардан сўнг айтиш мумкинки, тасаввуфда комил инсон даражасидаги инсон икки сифатга эга бўлиши шарт: Биринчидан, Комил инсон тасаввуф таълимотининг коми ллик босқичларини яъни шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатни босқичларини босиб ўтиши шарт; Иккинчидан, Комил инсон маълум даражада бир қатор илоҳий ва дунёвий илмларга эга бўлиши ва мукаммал сифат - фазилатлар соҳиби бўлиши керак.

Тасаввуфшунос олимларнинг фикрича комил инсон ўз тарихий тараққиётида “иймонли тақвадор инсон”, “факр инсон”, “аш-шაъра”, “рубъу маскун ва бошқа қатор шгаклларни босиб ўтган.” Исломнинг кенг ва мукаммал ёйилиши натижасида ўз сифатий кўринишларини ислом таълимoti замири дан олган.¹¹

Комил инсоннинг асосий сифатлари тақвадор инсоннинг илоҳий сифатларидан олинган. Тақвадор кишининг илоҳий сифатлари Қуръони кримда ва ҳадиси шарифда ишлаб ишлаб чиқилган ва бу “илоҳий” сифатлар тасаввуф таълимотида комил инсон тамойилини ишлаб чиқишида асосий рол ўйнаган. Бу илоҳий сифатлар Қуръони каримда 10 та ва Ҳадиси шарифда 10 мақом билан

⁹Каранг: Усмон Турар. Тасаввуф тарихи./ Турк тилидан Нодирхон Ҳасан таржимаси. Т.: Истиқлол. 1999. -Б.140.

¹⁰Каранг: Комилов Н. Тасаввуф. -Т.: 2009.-Б.143.

¹¹Каранг: Собиржон Исмоилов. Накшбандийлик жаҳоншумул тариқат. Тошкент. “Мўмтоз сўз”. 2016. 90-бет.

белгиланган. Бу мақомларни яссавийлар 8 тага бўлиб “фақр инсон” сифатлари деб атаган.

Пайғамбар Ҳадисларидан бирида тақвадор инсонни қуидагича таърифлайди:” Мени сифатим Аҳмад, таваккул қилувчим, қўпол эмас, бадхулқ эжмас, яхшиликка яхшилик қайтарадиган, ёмонликка ёмонлик эмас, балки яхшилик қайтарадиган, туғилган жой Макка, ҳижрат қилган жойи Мадина, умматлари эса Аллоҳга ҳамб этувчи, сатри авратлари изор билан ёпилувчи (иштон), атроф очиқ жойларни юувучи, таҳорат юрувчи, Қуръонлари дилларида ёд юрувчи, намозга урушда саф олгандек саф оловучи, Аллоҳга яқин бўлишлик учун жон ва қонларини аямовчи. Аллоҳ йўлида жиҳод қилувчи, кечалари ибодпатда қаттиқ, кундузлари ишда шер кабидирлар” каби сифатлар санаб утилган.¹²

Бу ҳақда Аҳмад Яссавийнинг “Хикматлар”ида шундай талқин қилинади:”Фақр мақоми саккиз турур: аввал тавба турур, одат турур, муҳаббат турур, саб турур, орифлик турур. Аввали ҳазрати Одам (а.с.)дан қолди, обидлик-ҳазрат- Идрис (а.с.)дин қолди, шукр ва муҳаббат ҳазрати Иброҳим (а.с.)дин қолди, сабрлик ҳазрат Айюб (а.с.)дин қолди, зоҳидлик ҳазрати Исо (ав.с.)дин қолди, орифлик Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)дин қолди”¹³, дейилади.

Юқорида таъқидаланимиздек, агар тариқатлапр кесимида комил инсон қоидаларини таҳли қиласиган бўлсак; булар яссавийликда саккизта, кубровийликда ўнта, нақшбандийликда ўн бир рашҳа мавжудлиги гувоҳи бўламиз ва шу қоидаларга амал қилиб уни бажарган солик комиллик мақомига эришади. Нақшбандийлик тариқатининг ҳайриҳои ва давомчиларидан бўлган ҳазрати Алишер Навоий нақшбандийлик қоидаларининг сир асрорини ўргана туриб дастлабки яъни Юсуф Ҳамадоний томонидан ишлаб читқилган 4 рашҳани бажарган солик ҳам “рубъу маскун” мартабасига яъни комиллик даражасига ва эриша олшини таъқидлайди.

Шуниси эътиборлики тасаввуфда жумладан нақшбандийликда комил инсонни руҳ кишиси сифатида эъзозлайди. Ана шу руҳ кишиси ўз руҳини бойитиб ва ислоҳ қилиб юқорилаб бораверади. Бу руҳий ислоҳот фақатгина Қуръон ва ҳадис қоидаларига амал қилиш орқалигина амалга ошиши мумкин. Шунинг учун ҳам Баҳоуддин Нақшбанд “Барча ҳолатда ҳам қадаминг амру наҳий кўчасида бўлсин, суннатни ҳамиша жойига қўйишига интил, бидъатлардан узоқ бўл, Мустафо (с.а.в.)нинг ҳадисларини ўзингга пешво қилиб ол, Расулоуллоҳ (с.а.в.) ва улуғ саҳобалари, ризvonуллоҳи алайҳим ажмаъин асарлари ва хабарларини изловчи ва ўрганувчи бўл ”-деб васият қиласидилар.¹⁴

¹²Қаранг: Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар.-Т.: 1992.-Б.92.

¹³Аҳмад Яссавий. Девони хикмат.-Т.: 1992.-Б.17.

¹⁴Қаранг: Абул Муҳсин Муҳаммад Бокир ибн Муҳаммад Али. Мақомати Ҳожа Баҳоуддин Накшбанд.-Т.:”Ўзбекистон”. 2019. -Б.29.

Мутасаввуф мутафаккирлар умуминсоний, ахлоқий, тадбиркорлик ва умуминсоний сифатларни ўз ичига олган комил инсоннинг илмий-назарий моделини ишлаб чиқсан. Бу айниқса, буюк мутасаввуф мутафаккир Маҳдуми Аъзам Косоний (Даҳбедий)нинг тасаввуфга қарашларида ўз ифодласини топган.

Йирик мутасаввуф Сайиб Абдулқодир Гилоний ўзининг “Сиррул асрор” асарида инсоннинг зоҳирий ва ботиний томони мавжудлигини таъкидлайди. Инсонни яхлит билиш, уни тизимли ўрганиш учун унинг ҳам зоҳир, ҳам ботин томонларини ўзаро алоқадорликда ўрганиш лозим. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “зоҳир” ва “ботин” тушунчалари асосий тасаввуфий фалсафий категориялардир.

Ботинийлик ва зоҳирийлик-инсоннинг ичик қалб қўнглидаги ҳиссиётлари ва уларнинг сирқи томондан, ташқи кўринишида ифодаланиши. Инсон ташқи томондан ғариб, ночор кўринса да унинг ботинийлик ҳиссиёти, қалби, қўнгли ниҳоятданозик ва маънавий бой бўлиши мумкин ёки аксинча, сиртдан қараганда, кам –кўтсиз салобатли кўринган киши ҳиссиётсиз, қалби кўр бўлиши мумкин. Ботинийлик инсонга илоҳий баҳш этилган неъмат, у буюк кишиларнинг зоҳирий фаолиятларида ёрқин ифодасини топган. Буюк мутасаввуф Абдулқодир Гийлоний ҳам “инсон томондан муроала қилинади: жисмоний ва руҳоний”- деб таъкидлайди. У инсон борлигини жисмоний ва руҳоний томонлардан иборат мавжудод сифатида таҳлил этади. “Жисмоний, яъни ташқи кўринишдаги моддий ҳол демакдир”¹⁵, деб ёзади

Бу билан жисмоний томон инсон борлигининг ташқи яъни зоҳирий бизга кўриниб турган томон, моддий ҳолати деб, таъкидлайди. “Руҳоний қолипнинг (моҳиятидаги) махфий ҳолатга келсақ, махсус бир ҳол бошланади”¹⁶, -дейди.

Бу билан биринчидан, жисмоний томон бизга кўриниб турган томони қолип деб таъриф бериб, шунинг замирида махфий бўлган яширинган томони руҳоний ҳолат эса, иккинчидан, жисмоний томон билан руҳоний ҳолатни биръири билан узвий боғланган бир бутуннинг бўлаклари сифатида қарайди. Гийлоний жисмоний томонни қолип дейиш орқали рўҳоний томоннинг инсон ҳолатига жуда боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Руҳий томон жисмоний қолипга киргандан кейин ундан қандай инсон ҳосил бўлиши ҳар икки томонга ҳам баб баровар боғлиқ. Гийлоний жисмоний томонни “жисмоний борлиқ”, деб ҳам айтади.

Гийлоний фикрича, инсонда бутун борлиқда бор бўлган ҳамма махлукот мавжуддир. Шунинг учун у инсонни шундай таърифлайди: “Инсон Ҳақнинг

¹⁵(Каранг: Шайх Абдулқодир Гийлоний . Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон: О.Жўрабой.-Тошкент., Мовароуннаҳр, 2005 47-бет.

¹⁶(Ўша жой 47-бет).

ойнаси бўлиб, ҳам жамол, ҳам жалол сифатини акс эттироқда. Бутун коинот яратилаётганда (бу ойна) тўплангандир. Яна бу ҳикматга манбаа бўлиб, “жамъ этувчи борлиқ” ва “улуг олам” номи инсонга берилди. Гийлоний инсонга “жамъ этувчи борлиқ ёки улуг олам”деб таъриф бериш билан инсон борлиги бутун борлиқнинг кичрайтирилган нусхаси деган ғояни илгари суради.¹⁷

Шу ўринда тасаввуф фалсафасида комил инсоннинг асосий сифатлари ва мезонлари ҳақида шундай дейилади. Комил инсон илоҳий сифатлар соҳиби, инсоннинг огоҳлик мақомида бўлиши, яъни мудом уйғоқ бўлиши, ғафлатни умуман йўқотиши, кечиримлилик, инсонларни аҳил бўлишига ёрдам бериш, айбларини ёпиш хислати, бағрикенглик фазилатга эга бўлиш, карамли инсон бўлиш, қалб кўзи ва қалб қўлоғи билан эшитиш каби илоҳий сифатларга эга бўлиш, зоҳир ва ботинда уйғун бўлиш, вақтни қадрлай оладиган, барча имкониятларни воқеликка айлантира оладиган чуқур билим ва тажрибага эга бўлган, зоҳирий илми нур ва ботиний илми аъло сифатларга эга бўлиш, машғуллик ва фориғликни ҳаётий шиорларга айлантирган, хушёрлик мақомига етган сифатлар комил инсон руҳий-маънавий камолотининг мезонларидир.

Комил инсон - бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи Мутлақ руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, сийрату сурати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот.¹⁸

Комил инсон қоидалари Маҳмуд Асьад Жўшон, Усмон Турарлар талқинида нафсни тийган, саховатпеша, ҳаёти факат яхшилик қилишга бағишлиланган кишилардир.

Алишер Навоий ҳам комил инсонни тўрт малак- Жаброил, Микоил, Исрофил ва Азроилнинг хислатларига эга бўлган илоҳий сифатларга эга инсон сифатида талқин қилиб,

Фонийвашеки, ҳам сўзидур пок, ҳам ўзи,

Хуш давлат ул кишигаки, тушгай аниңг кўзи¹⁹, деб таъриф берадилар.

Навоий назарида комил инсон ана шундай илоҳий хислатларга эга бўлган инсон Хусайн Байқаро тимсолида гавдалантиради ва уни “таванно” одам деб атайди. Комил инсон тушунчасини ўрганиш ва тахлил қилиш шуни кўрсатадики, бундай инсонни қадимдан Одил, Оқил, Фозил, Фақр, Таванно сифатлари билан ҳам тавсифлаб келганлар. Бундай сифатларга эга инсон одамзот орзу қилган барча яхшиликларни ифодаловчи ва у Аллоҳ билан инсоният ўртасида воситачи бўлган муқаддас ҳилқат сифатида таърифланган. Бундан даражага эришган, бундай сифатларни ўзида мужассам қилган инсонларни валиуллоҳ, қибла, қутб, ғавс (мададкор), автод (устунлар), абдол

¹⁷Қаранг: Абул Муҳсин Муҳаммад Бокир ибн Муҳаммад Али. Мақомати Ҳожа Баҳоуддин Накшбанд.-Т.:”Ўзбекистон”. 2019. -Б.97.

¹⁸Қаранг: Нажмиддин Комилов . Тасаввуф. 130-бет.

¹⁹Навоий Алишер. “Насойим ул –муҳаббат”. Асарлар. 15-томлик. 6-том.-Т., 1965. 186-бет.

(бадал қилингандай) деб улуғлаганлар. Ана шу улғ зотлар ер юзининг ва инсониятнинг тинчлиги ва фаровонлигини Аллоҳдан сўраб турар экан. Шуларнинг борлиги туфайлигина Аллоҳ ер юзини мукаррам қилиб турар экан. Чунки ана шундай мақомга эришган инсонларнинг илоҳий поклиги ва нафосати, эътиқод ва тафаккури бутун дунёни бало-қазолардан асрайди. Бу йўл тасаввуф йўли ва усулидир, ҳақиқатга эришиш йўлидир. Чунки тасаввуф ахли маърифатни қурол қилиб олиб, ёруғликнинг зулмга, хайрнинг шаррга, файзу камолнинг нуқсу ноқислик, калтафаҳғмлик ва нодонликкак қарши курашганлар. Бундай инсонлар кўнгилни каъба деб қабул қилиб, барча амалларни кўнгилдан дилдан бажарувчилардир. Қалб амри билан юрувчи бундай кишилар Аллоҳ севган бандалар сифатида эътироф этилди.

Бундай инсонлар ҳар бир жамиятда шу жамиятнинг виждони вазифасини ўтаганлар Чунки бундай инсонлар бутун инсоният тарихида ибрат тимсоли бўлиб келганлар ва жамиятнинг тарозуси вазифасини бажариб, инсонлар дилига қувват, кўзига нур ато қилганлар. Шунинг учун ҳам ҳар бир даврда бундай инсонлар шоху-гадонинг эътиборида бўлиб келган. Ҳар бир даврнинг уламолари бундай инсонларни эътироф этиб бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган мукаммал фикрларини баён қилиб келганлар. Бундай фикрлар мунозарали бўлиши табиий. Зеро бу комил инсон тўғрисида айтилган ҳар бир фикрга эътиборли бўлишни талаб қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдухомид Ғаззолий. Кимёи саодат. -Т.: 1995.-Б. 55.
2. Шайх Абдулқодир Гийлоний . Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон: О.Жўрабой.-Тошкент., Мовароуннахр, 2005 47-бет.
3. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат.-Т.: 1992.-Б.17.
4. Абул Мухсин Муҳаммад Бокир ибн Муҳаммад Али. Мақомати Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд.-Т.:”Ўзбекистон”. 2019. -Б.29.
5. Ал-Бурсавий, Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим. Ахли суннат валжамоат ақоиди.2-қитоб.”Шарҳи “Омолий”.Алиййул Қорий шарҳи асосида./ Мутаржим Мирзо Кенжабек.-Т.:Млвароуунахр. 1999. 45-бет.
6. Азизиддин Насафий. Зуддаб ул-ҳақойик.-(Ҳақиқатлар қаймоғи). Н.Комилов таржимаси. –Т.: “Камалак” 1996. 133-бет.
7. Навоий Алишер. “Насойим ул –муҳаббат”. Асарлар. 15-томлик. 6-том.-Т., 1965. 185-бет.
8. Комилов Н. Тасаввуф. -Т.: 2009.-Б.143.
9. Собиржон Исмоилов. Нақшбандийлик жаҳоншумул тариқат. Тошкент. “Мўмтоз сўз”. 2016. 90-бет.
10. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар.-Т.: 1992.-Б.92.

11. Усмон Турап. Тасаввуф тарихи./ Турк тилидан Нодирхон Ҳасан таржимаси. Т.: Истиқлол. 1999. -Б.138.
12. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон аҳлоқи. 1-кито. -Т.: 1996. 133-бет.